

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ–АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**ОҒИЗ-ҲАЛҚУМ ЯССИ ҲУЖАЙРАЛИ КАРЦИНОМАСИДА
МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК МАРКЕРЛАРНИНГ ПРОГНОСТИК РОЛИ**

МАДАМИНОВ АХМАД ЮЛДАШЕВИЧ

14.00.14 – онкология, 14.00.21 - стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мадаминов Ахмад Юлдашевич

Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномасида молекуляр-биологик
маркерларнинг прогностик роли.....4

Мадаминов Ахмад Юлдашевич

Прогностическая роль молекулярно-биологических маркеров при
плоскоклеточной карциноме ротоглотки.....35

Madaminov Akhmad Yuldashevich

Prognostic role of molecular biological markers in oropharyngeal squamous cell
carcinoma.....68

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works71

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Tib2482 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз [резюме]) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.childhoi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Полатова Джамила Шагайратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Шомуродов Кахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Нодир Махамматкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Абдукадыров Абдусалам Абдугадирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси 17А-уй. Телефон/факс: (+998 71) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси 17А-уй. Телефон/факс: (+998 71) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

М.А. Гофур-Охунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.Б. Мамедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А. Юсупалиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори [PhD] диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Бугунги кунда дунёнинг бир катор тадқиқотлари одам папиллома вирусини (ОПВ) оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси (ОХЯХК) ривожланишида сабабчи инфекцион омил эканлигини тасдиқловчи ишончли далилларни тақдим этди. Дарҳақиқат, ОПВ билан боғлиқ ОХЯХК касалланишнинг эпидемик ўсиши бир қанча ривожланган давлатларда (АҚШ, Канада, Австралия, Швеция, Нидерландия, Дания, Англия ва ҳ.), айниқса 60 ёшгача бўлган эркакларда кузатилган¹. Илмий тадқиқотлар маълумотларига кўра лимфоид тўқималарга бой танглай муртаги ва тил илдизидан ривожланувчи ОХЯХК нинг 70-90%да ОПВ 16-генотиби персистенцияси аниқланган². 2030 йилга келиб ОПВ-мусбат ОХЯХК барча бош ва бўйин сартонининг 47% ни ташкил қилиши тахмин қилинмоқда. Ушбу касалликнинг патогенези, демографик характеристикаси, молекуляр профили, клиник кечиши, кимёнур давога юқори сезувчанлиги ва беморларни узоқ яшавчонлиги билан бошқа саратон турларидан кескин фарқ қилади. ОПВ-мусбат ОХЯХК билан касалланган ҳолатларни кескин кўпайиши, даволашда ижобий онкологик натижалар кузатилаётган бир пайтда, ОПВ статусини аниқлаш ишончли ва кенг қўлланиладиган маркерга айланди. Шунинг учун ҳозирги вақтда даво ҳажмини ва интенсивлигини камайтириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилмоқда ва уларнинг дастлабки натижалари тақдим қилинмоқда. Аммо, ОПВ статуси мусбат ОХЯХК билан беморларни 20-30%да даво турларига рефрактер ўсма хужайралари клонининг ривожланиши натижасида 3 йил ичида рецидив ҳолатлари кузатилади.

ОПВ мусбат бўлган рецидив ва ўлим хавфи юқори бўлган беморларни

¹Gelwan E, Malm IJ, Khararjian A, Fakhry C, Bishop JA, Westra WH. Nonuniform Distribution of High-risk Human Papillomavirus in Squamous Cell Carcinomas of the Oropharynx: Rethinking the Anatomic Boundaries of Oral and Oropharyngeal Carcinoma From an Oncologic HPV Perspective. Am J Surg Pathol. 2017;41(12):1722-1728. doi:10.1097/PAS.0000000000000929.

²Serrano B, Brotons M, Bosch FX, Bruni L. Epidemiology and burden of HPV-related disease. Best Pract Res Clin Obstet Gynaecol. 2018;47:14-26. doi:10.1016/j.bpobgyn.2017.08.006.

аниқлашнинг энг муҳим тўсиқлари клиник жиҳатдан фойдаланиш мумкин бўлган прогностик белгиларнинг етишмаслигидир. Шу сабабли, ОХЯХК билан беморларда прогностик моҳиятга эга молекуляр-биологик маркерларни аниқланиши бу муаммоларни ечимини топишда амалий ёрдам беради.

Тадқиқотда $p16^{INK4a}$, PD-L1 ва p53 оқсиллари экспрессиясини иммуногистохимёвий баҳолашдан мақсад қуйидагилар билан боғлиқ: $p16^{INK4a}$ Америка патологоанатомлар коллежи тавсиясига кўра ОПВ статусини баҳолашда фойдаланилади; PD-L1 оқсили ўсмаларнинг ўзига хос микромуҳити ва биологик хусусиятларини шакллантиришда, адаптив иммунитетнинг самарадорлигида муҳим рол ўйнайди, бу эса пировардида касалликнинг кейинги прогрессиясини белгилайди; TP53 гени бош ва бўйин хавфли ўсмалари патогенези ва прогрессиясида марказий ўринни эгаллайди, чунки унинг кодланган маҳсулоти p53 оқсили хужайра циклининг назоратида ва геном барқарорлигини сақлашда фаол иштирок этади. Шунга қарамасдан p53 оқсили ОХЯХКда кенг ўрганилмаган ва муайян муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда оғиз бўшлиғининг потенциал хавфли касалликларини (ОБПХК) трансформация хавфини прогнозлаш ва уларнинг ОХЯХК билан боғлиқлигини аниқлаш ҳатто ихтисослашган амалиётда ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Қолаверса, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳар қандай шикастланиши ва канцерогенларни таъсири оғиз-ҳалқум лимфоид тўқималарида иммунологик реципрок реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Майдонни ўзгариши концепциясига кўра, нормал кўринадиган шиллиқ қават саратон эҳтимолини оширадиган муҳим молекуляр аберацияларни ўз ичига олиши мумкин³. Шунга ўхшаш тадқиқотлар натижалари карцинома нафақат ОБПХК дан эмас, балки иммунологик ёки

³Nikitakis NG, Pentenero M, Georgaki M, et al. Molecular markers associated with development and progression of potentially premalignant oral epithelial lesions: Current knowledge and future implications. Oral Surg Oral Med Oral Pathol Oral Radiol. 2018;125(6):650-669. doi:10.1016/j.oooo.2018.03.012.

молекуляр химояси заифлашган оғиз бўшлиғининг бошқа қисмларида ёки оғиз-ҳалқумда ҳам ривожланиши мумкинлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг стоматологик ҳолатини баҳолаш ОҲЯҲК клиник натижаларини прогнози учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликларни олдини олиш, барвақт аниқлаш, самарали даволаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш бўйича кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармонида ижтимоий соҳалардан энг асосийси ҳисобланмиш соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадлар келтирилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармонида, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 30-69 ёшдаги аҳоли орасида онкологик касалликларни профилактик кўрикларда, эрта босқичларида аниқлаб, 5 йиллик умр давомийлиги кўрсаткичларини 2 баробар ошириш, 1 йилгача ўлим кўрсаткичини 2 баробар камайтириш, 120 минг нафар онкологияси бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш лозимлиги белгилаб қўйилган. Жонажон Ватанимизда ушбу улкан мақсадларни амалга ошириш учун албатта билимли ва тажрибали мутахассислар зарурлигини инобатга олиб 29.10.2020 йилдаги ПФ-6097-сонли Фармонида Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси аниқ кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2017 йилдаги ПҚ-2866-сонли Қарорига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш доирасида олиб борилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари юқорида келтирилган ва шу сингари меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда хизмат қилишга қаратилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

ОПВ хавфли ўсмаларни келтириб чиқариш хусусиятига мувофиқ "юқори хавфли" ва "паст хавфли" турларга бўлинади. Канцерогенезда иштирок этадиган юқори хавфли ОПВ турлари орасида 16-генотипи энг кенг тарқалган бўлиб, ОХЯХК да 80%дан ортиқ, 18-генотипи эса тахминан 3% учрайди⁴. Reference Sequences маълумотлар базаси ОПВ16 геноми 8 килобаза бўлган думалок, икки занжирли ДНК ни ўз ичига олган нисбатан кичик ўлчамдаги вируслардир. ОПВ ДНК си учта функционал худудни ўз ичига олади: эрта (E - early), кеч (L - late) ва назорат зонаси (LCR). "E" соҳасида вирус ДНК репликацияси ва вирион шаклланишида иштирок этувчи олти та оқсилларни - E1, E2, E4, E5, E6, E7 ни кодловчи генлар мавжуд. "L" соҳасининг генлари вирус капсидининг таркибий оқсилларини - L1 ва L2 ни кодлайди. Геномнинг эрта ва кеч кодлаш худудлари, ген экспрессиясини, ДНК репликациясини ва вирион бирикмасини тартибга солувчи кодланмайдиган LCR худуди билан ажратилади⁵. Эрта оқсиллар E6 ва E7 ОПВ+ ОХЯХК патогенезида муҳим рол ўйнайди. ОПВ ни аниқлаш учун энг кенг тарқалган тестлар p16^{INK4a} оқсилига қарши иммуногистохимё (ИГК), полимераза занжирли реакция (ПЗР), in situ гибридизация (ISH), тескари транскрипцияли ПЗР (ТТ-ПЗР). E6 ва E7 РНК ларни ТТ-ПЗР ёрдамида аниқлаш бир неча муаллифлар томонидан фаол ОПВ инфекциясини аниқлаш учун "олтин стандарт" сифатида қабу қилинади.

⁴Castellsagué X, Alemany L, Quer M, et al. HPV Involvement in Head and Neck Cancers: Comprehensive Assessment of Biomarkers in 3680 Patients. J Natl Cancer Inst. 2016;108(6):djv403. Published 2016 Jan 28. doi:10.1093/jnci/djv403.

⁵Gao G, Wang J, Kasperbauer JL, et al. Whole genome sequencing reveals complexity in both HPV sequences present and HPV integrations in HPV-positive oropharyngeal squamous cell carcinomas. BMC Cancer. 2019. April 11;19(1):352. doi:10.1186/s12885-019-5536-1.

Бирок, бу таҳлил қиммат ва мунтазам амалиётда қўлланилмайди, чунки у музлатилган намуналар ва махсус техник платформани талаб қилади⁶. ПЗР ўсмадаги ОПВ ДНКсини ва унинг генотипини аниқлаши мумкин, лекин фаол инфекцияни исботлайдиган ёки канцерогенезда иштирок қиладиган вирусли транскриптларни аниқлашга имкон бермайди. ИГК p16^{INK4a} ОПВ инфекциясининг тежамкор, юқори сезувчан ва специфик билвосита маркери бўлиб, у кундалик амалиётда кенг қўлланилади. ASCO ва CAP ташкилотлари далилларга асосланган протоколни тақдим қилади, унга кўра ОХЯХКда ОПВ статусини ИГК p16^{INK4a} ёрдамида баҳолаш тавсия қилинади ва зарурат бўлганда қўшимча тестларни ўтказиш мумкин. ИГК p16^{INK4a} да ўсма хужайралари камида 70% диффуз ядро ва цитоплазматик бўялишни номоён қилса, ОПВ ҳолат учун ижобий ҳисобланади⁷. Шунини таъкидлаш керакки, маркерлар клиник амалиётда осон ишлатилиши учун тез такрорланадиган иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши керак.

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази маълумотида кўра, бош ва бўйин саратони билан касалланиш республика миқёсида 2014 йилдан (1082) 2019 йилгача (1397) 29%га ошган. 2019 йилга келиб оғиз бўшлиғи ва оғиз-ҳалқум саратони билан касалланган беморлар бош ва бўйин хавфли ўсмалари аниқланган янги ҳолатларни ярмини ташкил этган ва охириги 5 йилда 60%га ошган. Ўзбекистон Республикасида олдин ОХЯХКда ОПВ статусини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу инфекцион омилни тарқалиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. ОПВ статусини тўғри аниқлаш ўсманинг молекуляр профилини яратиш ва кейинги давони режалаштириш учун жуда муҳимдир.

⁶Taberna M., Mena M., Pavón M.A. et al. Human papillomavirus-related oropharyngeal cancer. Ann Oncol. 2017;28(10):2386–98.DOI:10.1093/annonc/mdx304.

⁷Lewis J.S. Jr., Beadle B., Bishop J.A. et al. Human papillomavirus testing in head and neck carcinomas: guideline from the College of American Pathologists. Arch Pathol Lab Med. 2018;142(5):559–97.DOI: 10.5858/arpa.2017-0286-CP.

Шунинг учун ОПВ статусини аниқлаш ОХЯХК мунтазам диагностиканинг бир қисми бўлиши лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг лойиҳалари доирасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ бўлмаган тарзда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади p16^{INK4a}, PD-L1 ва p53 оқсиллари экспрессиясини иммуногистохимёвий баҳолаш орқали оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномасининг молекуляр-биологик хусусиятларини ўрганиш ва одам папиллома вируси ҳолатига мувофиқ уларнинг прогностик ролини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда ОПВ ҳолатига мувофиқ p16^{INK4a}, PD-L1 ва p53 оқсилларининг экспрессиясини ўрганиш;
2. Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда ОПВ ҳолатига мувофиқ p16^{INK4a}, PD-L1 ва p53 оқсиллари экспрессиясининг прогностик моҳиятини баҳолаш;
3. Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда ОПВ ҳолатини молекуляр-биологик маркерлар ва клинικο-демографик кўрсаткичлар билан корреляциясини ўрганиш;
4. Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда хавф стратификациясининг прогностик мезонлар тўпламини ишлаб чиқиш;
5. Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда оғиз бўшлиғи потенциал хавфли касалликларининг прогностик моҳиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2020 йилларда Республика ихтиослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти филиаллари клиникасида

оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан даволанган 62 та бемор ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномасини ташхислашда беморларнинг магнит-резонанс, компьютер ва позитрон-эмиссион томографиялари маълумотлари, ўсма биопсияси ёки жарроҳлик амалиёти материалидан тайёрланган парафинли блоклар ва уларда ўтказилган иммуногистокимёвий таҳлиллар ҳулосалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда магнит-резонанс, компьютер ва позитрон-эмиссион томографиялари билан боғлиқ, патоморфологик, иммуногистокимёвий ва статистик ишлов бериш каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномасининг молекуляр-биологик хусусиятлари одам папиллома вирусининг билвосита маркери $p16^{INK4a}$, иммунитет назорат нуқтаси регулятори PD-L1 ва ўсма супрессори p53 оқсилларининг экспрессиясини иммуногистокимёвий баҳолаш ёрдамида ўрганилган;

Оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда персоналлашган даво ёндашувларини белгилашда катта амалий аҳамиятга эга $p16^{INK4a}/PD-L1/p53^W/p53^M$ оқсилларидан ташкил топган молекуляр-биологик маркерлар панели ишлаб чиқилган;

Илк бор оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда хавфларни стратификацияланишига асосланган прогностик модел ишлаб чиқилган ва илмий асосланган;

Одам папиллома вируси ҳолати мусбат оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда прогностик моделдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш даво юқламасини қисқартиришда муҳим ва самарадор клиник восита эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий

маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, замонавий текширув усуллари ва статистик дастурга асосланилганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти p16^{INK4a} нинг гиперэкспрессияси ОПВ-мусбат ОХЯХК учун жуда характерли эканлиги билан изоҳланади, ОПВ билан боғлиқ бўлмаган ўсмаларда эса бу хужайра цикли регулятори кўпинча инактивациялашади. Бу p16^{INK4a} ни ОХЯХК да транскрипцион фаол бўлган ОПВ нинг мос билвосита маркерига айлантиради. Бундан ташқари, PD-L1 оқсили иммунорегуляцияда фаол иштирок этувчи ингибитор рецептор ҳисобланади ва унинг ифода даражаси ўсма микромуҳити иммунотолерантлигини тахмин қилиши мумкин.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, касаллик инициацияси ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган p16^{INK4a}/PD-L1/p53^W/p53^M оқсилларини идентификациялаш бўйича сифат жиҳатидан такомиллаштирилган текширувлар паст хавф гуруҳига мансуб ОПВ-мусбат ОХЯХК билан беморларни индивидуал даволаш имконини беради, ва шунингдек, касаллик натижаларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида замонавий, юқори самарали персоналлаштирилган даволаш усулларини ривожлантириш учун ҳам катта имкониятларни яратади. ОПВ-мусбат ОХЯХК учун даволаш ҳажмини камайтириш ўзини оқлаши мумкин ва муайян онкологик тамойилларга риоя қилган ҳолда даволанишни деэскалацияси учун катта имкониятлар очади. Ушбу илмий тадқиқот давомида ишлаб чиқилган прогностик модел келажакда ОПВ-мусбат ОХЯХК билан касалланган беморларни персоналлаштирилган бошқарилишига ва интенсивлиги

камайтирилган даволашга оид кўплаб саволларга жавоб беришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 26 августдаги 5-сонли йиғилиш баённомасига асосан 05/27-реестер рақами билан тасдиқланган илмий иш натижаларини амалиётга татбиғи бўйича хулосасига кўра Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда одам папиллома вируси ҳолатига мувофиқ хавфларни стратификациялаш ва самарадор персоналлашган даво ёндашувини бегилаш учун яратилган прогностик модель ва молекуляр-биологик маркерлар панелининг ишончлилиқ даражасини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: илк бор оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда одам папиллома вируси персистенциясини ва ўзига хос молекуляр-биологик хусусиятларини аниқлашда p16^{INK4a}/PD-L1/p53^W/p53^M оксилларидан ташкил топган маркерлар панели ишлаб чиқилган. Мазкур молекуляр-биологик маркерлар панели соғлиқни сақлаш соҳасида амалиётга жорий этилди, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали бўйича 18.03.2023 йилдаги 14i-сонли ҳамда Қорақолпоғистон республикаси филиали бўйича 19.06.2024 йилдаги 72On.B-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилди.

Ижтимоий самарадорлиги: оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларда одам папиллома вируси ҳолати баҳоланган ва молекуляр-биологик хусусиятларига мувофиқ даволаш самарадорлиги оширилган. Бу эса ўз навбатида даводан кейинги эрта ва кечки асоратларни олдини олиш орқали беморларда ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминлаган. Иқтисодий самарадорлиги: ижобий молекуляр сигнатурига эга одам папиллома вируси ҳолати мусбат беморларнинг стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 345 минг сўм ва нур терапияси учун 1 млн сўм бюджет

маблағлари салбий молекуляр сигнатурага эга одам папиллома вируси ҳолати манфий беморларга нисбатан касалхонада қолиш муддатининг камайиши ва давони деэскалация дастури бўйича ўтказилиши ҳисобига иқтисод қилинади;

Иккинчи илмий янгилик: оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда иммуногистокимёвий таҳлил ёрдамида $p16^{INK4a}/PD-L1/p53^W/p53^M$ оқсилларининг экспрессияси даражасини баҳоланиши, одам папиллома вируси ҳолатини аниқланиши ва қўшимча тарзда клинко-демографик кўрсаткичларни ўрганилиши хавф омилларини стратификациялашда, энг самарадор даво усулини белгилашда ва касалликни клиник натижаларини башоратлашда муҳим амалий аҳамиятга эгаллиги исботланган. Оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда хавф стратификациясига асосланган янги дифференциаллашган ёндашув соғлиқни сақлаш соҳасида амалиётга жорий этилди, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали бўйича 18.03.2023 йилдаги 14i-сонли ҳамда Қорақолпоғистон республикаси филиали бўйича 19.06.2024 йилдаги 72On.B-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилди.

Ижтимоий самарадорлиги: оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда одам папиллома вируси ҳолатини ишончли аниқлаш ва хавф омилларини стратификациялаш орқали ортиқча даво юкламасидан воз кечилган. Кимё- ва нур терапиядан кейинги токсик таъсирларни камайиши орқали беморларда дисфагия, дисфония ва ксеростомия сингари кенг тарқалган иккиламчи патологик ҳолатлар олди олинган. Иқтисодий самарадорлиги: молекуляр-биологик маркерлар экспрессиясининг ижобий вариацияси ($p16^{INK4a}$ 70-100%/PD-L1 0-30% TPS/ $p53^W$ -мусбат/ $p53^M$ -манфий) билан тавсифланувчи мусбат одам папиллома вируси ҳолатига эга беморларнинг стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 330 минг сўм ва нур терапияси учун 1,1 млн сўм бюджет маблағлари молекуляр-биологик маркерлар экспрессиясининг салбий вариацияси ($p16^{INK4a}$ 0-70%/PD-L1 30-100% TPS/ $p53^W$ -манфий/ $p53^M$ -мусбат) билан тавсифланувчи

манфий одам папиллома вируси ҳолатига эга беморларга нисбатан касалхонада қолиш муддатининг камайиши ва даво юкламасини камайитириш ҳисобига иқтисод қилинади;

Учинчи илмий янгилик: оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда хавфни стратификациялаш мақсадида ишлаб чиқилган прогностик модел молекуляр-биологик маркерларни экспрессиявий фаоллиги, одам папиллома вируси ҳолати ва муайян клиник-демографик кўрсаткичларга асосланган. Ишлаб чиқилган прогностик модел соғлиқни сақлаш соҳасида амалиётга жорий этилди, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали бўйича 18.03.2023 йилдаги 14i-сонли ҳамда Қорақолпоғистон республикаси филиали бўйича 19.06.2024 йилдаги 72On.B-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган.

Ижтимоий самарадорлиги: одам папиллома вируси ҳолатининг мусбат ёки манфийлигига қараб оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда самарадор персоналлашган даво ёдашувини белгилашда прогностик моделдан фойдаланилган. Ўсманинг молекуляр-биологик хусусиятига асосланган мазкур ёндашув давони самарадорлигини оширган ва ижтимоий аҳамиятга молик даводан кейинги асоратларни учраш частотасини камайтирган. Иқтисодий самарадорлиги: оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномаси билан беморларда ўсмани ўзига хос молекуляр-биологик хусусиятларини ўрганиш орқали персоналлашган даво ёндашувларини қўлланилиши беморларнинг стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 405 минг сўм ва нур терапияси учун 1,4 млн сўм бюджет маблағлари молекуляр-биологик хусусиятлари ўрганилмаган умумий шаблон бўйича даволанган беморларга нисбатан касалхонада қолиш муддатининг камайиши ва ортиқча кимётерапия ёки радиотерапия курсларини камайитириш ҳисобига иқтисод қилинади;

Тўртинчи илмий янгилик: оғиз-ҳалқум ясси ҳужайрали карциномасида одам папиллома вирусининг ижобий ҳолатини ишончли тасдиқланиши

беморларда сифатга мослаштирилган қўшимча 2,75 QALY ҳаёт йилларини (сақланиб қолган ҳаёт йиллари сони, quality-adjusted life year) тақдим қилиши белгиланган. Одам папиллома вируси ҳолатига мувофиқ оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморларни даволашдаги персоналлашган ёндашувлар соғлиқни сақлаш соҳасида амалиётга жорий этилди, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали бўйича 18.03.2023 йилдаги 14i-сонли ҳамда Қорақолпоғистон республикаси филиали бўйича 19.06.2024 йилдаги 72On.B-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилди.

Ижтимоий самарадорлиги: оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномасида одам папиллома вирусининг ижобий ҳолатини ишончли тасдиқланиши беморларда сифатга мослаштирилган қўшимча ҳаёт йилларини сақлаб қолган ва ҳаёт сифатини яхшиланиши таъминлаган. Иқтисодий самарадорлиги: оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномасида одам папиллома вирусининг ижобий ҳолатини ишончли тасдиқланиши орқали сифатга мослаштирилган қўшимча 2,75 QALY ҳаёт йилини берилиши беморларнинг стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 420 минг сўм ва нур терапияси учун 1,6 млн сўм бюджет маблағлари одам папиллома вируси манфий ҳолати билан беморларга нисбатан касалхонада қолиш муддатининг камайиши ва юқори агрессив индукцион кимётерапия курсларидан воз кечиш ёки умумий суммар дозаси 54 Гргача камайтирилган нур терапияси ҳисобига иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та

мақола, жумладан, 6 таси республика ва 8 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация матни компьютер воситасида босиб чиқилган бўлиб умумий ҳажми 144 бетни ташкил қилади. Таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Бундан ташқари 20 та жадвал ва 49 расм тасвирланган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида мавзуга оид ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Одам папиллома вируси билан боғлиқ оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномасининг клиник ва молекуляр-биологик хусусиятлари»** деб номланган биринчи боби адабиёт шарҳига бағишланган, тўртта кичик боблардан иборат бўлиб, уларда касаллик патогенези, диагностикаси, ўзига хос клиник ва молекуляр-биологик хусусиялари тўғрисида кўп сонли адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳида ОХЯХК бирламчи ташхислашда ОПВ боғлиқлигини аниқловчи усулларининг афзалликлари ва камчиликларига, ОПВ геномининг тузилиши, шунингдек p16^{INK4A}, PD-L1 ва p53 оқсилларининг функцияси ва касаллик прогрессиясидаги роли тўғрисида кенг маълумотлар келтирилган. ОПВ ҳолатини аниқлашдаги мураккаблиklar ва ноаниқликлар, беморларни даволашдаги муаммолар кўрсатилади. ОХЯХК билан беморларда p16^{INK4A} оқсили юқори экспрессиясини иммуногистокимёвий усул ёрдамида аниқлаш ОПВ ҳолатини белгилашдаги оптимал диагностика усули эканлигини тасдиқловчи кўплаб илмий изланишлар натижалари келтирилади. Бобни таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулоса яқунлайди.

Диссертациянинг **«Оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси билан беморлар клиник материаллари, молекуляр-биологик маркерларни аниқлаш ва тадқиқот усуллари»** га қаратилган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи бўйича маълумотлар,

шунингдек фойдаланилган текширув усуллари тўғрисида ахборот келтирилган. 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Республика ихтиослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилояти филиаллари клиникасида стационар даволанган 18 ёшдан катта ОХЯХК билан 62 нафар бемор тадқиқотга киритилган. Ушбу беморларнинг 56,5% (35) қисмини эркаклар, қолган 43,5% (27) эса аёллар ташкил қилади.

Умумий гуруҳдаги беморлар орасида оғиз-ҳалқумни энг кўп зарарланган қисми танглай муртаклари (62,9%) бўлиб, кейинги ўринларда тил илдизи, латерал ва орқа деворлари мос равишда 9,7%, 12,9% ва 8,1% ни ташкил қилади. Юмшоқ танглай ўсмалари энг кам (6,5%) кузатилган. Танглай муртагини зарарланиши ОПВ мусбат беморларда (82,2%) ОПВ манфий беморларга нисбатан (47,1%) деярли икки марта кўп учраган. ОПВ-манфий беморларда латерал (20,6%) ва орқа (14,7%) деворларининг ўсмалари нисбатан кўпроқ бўлган, ОПВ мусбат беморларда орқа девор ўсмалари аниқланмаган (1-расм).



1-расм. Ўсмаларнинг умумий (А) ва ОПВ ҳолатига мувофиқ (Б) гуруҳларда оғиз-ҳалқум анатомик қисмлари бўйича тақсимланиши.

Жами 62 та беморнинг формалинда фиксацияланган ва парафинда сақланган гистологик блокларида иммуногистохимёвий (ИГК) таҳлил ёрдамида молекуляр маркерларнинг (p16^{INK4a}, PD-L1, p53^W [табiiй тури] ва p53^M [мутант тури]) ўсма хужайраларидаги экспрессияси даражаси ўрганилган. Тадқиқотда ушбу молекуляр маркерларни экспрессия даражасини аниқ ва ишочли баҳолаш учун кенг ўлчовли интервалли шкала


ишлаб чиқилди (жадвал 1). ИГК p16^{INK4a} ОПВ ҳолатини аниқлаш учун ягона тест ҳисобланади, унинг ишончлилигини янада ошириш ва касаллик молекуляр-биологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида қўшимча PD-L1 ва p53^{W/M} оқсиллар экспрессияси ҳам ўрганилган.

Жадвал 1. p16^{INK4a}, PD-L1 ва p53^{W/M} молекуляр-биологик маркерларни экспрессиясини баҳолаш учун тавсия этилган интервалли шкала.

Маркер	Бўйлиши	Экспрессия	Чегара кўрсаткич	Паст (L)	Ўрта (M)	Юқори (H)	Жуда юқори (VH)
p16^{INK4a}	Цитоплазма+ядро (диффуз)	Негатив Позитив	0-49% ≥50%	- -	- 50-69%	- 70-89%	- ≥90%
PD-L1 (TPS*)	Мембрана	Негатив Позитив	0-0,9% ≥1%	- 1-9%	- 10-29%	- 30-49%	- ≥50%
p53^{W/M}	Ядро	Негатив Позитив	0-9% ≥10%	- 10-29%	- 30-49%	- 50-79%	- ≥80%

*TPS - ўсма нисбатини баҳолаш (Tumor Proportion Score)


p16^{INK4a} Америка патологоанатомлар колледжи (CAP) кўрсатмаларига мувофиқ талқин қилинган ва агар ўсма хужайраларининг ≥70% интенсив ва диффуз ядро-цитоплазматик бўйлишни кўрсатса ижобий деб ҳисобланади.



2-расм. ИГК таҳлилида p16^{INK4a} нинг ифодаланиши. Мусбат экспрессия (А), ОПВ билан боғлиқ ОХЯХК; Манфий экспрессия (Б), ОПВ билан боғлиқ бўлмаган ОХЯХК (x400).


ОХЯХК билан беморларда p16^{INK4a} экспрессияси 70% га тенг ёки юқори бўлганда ОПВ ҳолати ижобий ҳисобланган (2а- расм). Агар p16^{INK4a} экспрессияси 70%дан паст бўлса, локал бўйла ёки аниқланмаса ОПВ ҳолати манфий деб баҳоланган (2б-расм).

ИГК да бўялган ўсма хужайралари сонига асосан PD-L1 экспрессия даражалари қуйидагича таснифланди: манфий TPS 0-0,9% (PD-L1-N), паст TPS 1-9% (PD-L1-L), ўрта TPS 10-29% (PD-L1-M), юқори TPS 30-49% (PD-L1-H) ва жуда юқори TPS $\geq 50\%$ (PD-L1-VH). PD-L1 мусбат бўялиши жигар рангда ўсма хужайраси мембрана юзасида ифодаланди. 3-расмда PD-L1 ўсма хужайраларида ҳар хил даражадаги экспрессиясини ИГК таҳлилида номоён бўлиши келтирилган.



3-расм. PD-L1 экспрессиясининг турли даражалари. PD-L1-L: TPS 1-9% (А), PD-L1-M: TPS 10-29% (В), PD-L1-H: TPS 30-49% (В), PD-L1-VH: TPS $\geq 50\%$ (Г) (x400).

Онкосупрессор оқсил p53 мусбат экспрессияси учун чегара қиймати ўсма хужайраларининг $\geq 10\%$ ядровий бўялиши белгиланди. Мусбат бўялган хужайралар миқдорига асосан p53 экспрессияси қуйидаги даражалари таснифланади: манфий 0-9% (p53-N), паст 10-29% (p53-L), ўрта 30-49% (p53-M), юқори 50-79% (p53-H) ва жуда юқори $\geq 80\%$ (p53-VH). p53 оқсилнинг “табиий турида” (p53^W) ўсма хужайраларида турли интенсивликдаги гетероген ядровий бўялиш кузатилади, “мутант турида” (p53^M) эса ўсма хужайралари ядроларининг кучли гомоген бўялиши ёки цитоплазмасининг бўялиши характерлидир (4-расм).




4-расм. ИГКда p53 экспрессиясининг турлари. Табiiй турдаги p53 (А) нинг паст даражадаги мусбат экспрессияси, p53 экспрессиясини тўлиқ аниқланмаслиги (Б), мутант турдаги p53 юқори даражадаги мусбат экспрессияси (Б) (x400).

Тадқиқотда олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Windows 10 операцион тизими бошқаруви асосида IBM SPSS Statistics 26 компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.


Диссертациянинг «Одам папиллома вируси ҳолатини тасдиқланишининг, p16^{INK4a}, PD-L1 ва p53 оқсиллари экспрессиясининг прогностик моҳияти» деб номланган учинчи бобида ОХЯХК билан беморларда ИГК усул ёрдамида аниқланган молекуляр-биологик маркерларнинг экспрессиясини даражасига қараб тарқалиши, корреляцион боғлиқлиги, касаллик клиник кечишидаги прогностик роли ва беморларни умумий яшавчонлиги тўғрисида тадқиқот натижалари келтирилган.

Умумий гуруҳда PD-L1 оқилининг мусбат экспрессияси 59,7% беморларда аниқланган, даржалар бўйича тақсимланиши: PD-L1-L (13/62; 20,97%), PD-L1-M (6/62; 9,68%), PD-L1-H (9/62; 14,52%), PD-L1-VH (9/62; 14,52%) ва PD-L1-N (25/62; 40,32%) (5-расм). ОПВ-мусбат гуруҳда (60,7%) PD-L1 мусбат экспрессияси ОПВ-манфий гуруҳига (58,8%) нисбатан кўпроқ учраган ($p=0,882$). ОПВ-мусбат беморларни PD-L1 экспрессия даражалари бўйича тақсимланиши: PD-L1-L (7/28; 25%), PD-L1-M (5/28; 17,86%), PD-L1-H (4/28; 14,29%), PD-L1-VH (1/28; 3,57%) ва PD-L1-N (11/28; 39,29%).




5-расм. PD-L1 экспрессия даражалари бўйича беморларни умумий тақсимланиши (95% ишонч орилиғи).

ОПВ-манфий беморларда PD-L1 фаоллиги бошқача кўринишда бўлиб, куйидагича тақсимланади: PD-L1-L (6/34; 17,65%), PD-L1-M (1/34; 2,94%), PD-L1-H (5/34; 14,71%), PD-L1-VH (8/34; 23,53%) ва PD-L1-N (14/34; 41,18%). Ушбу таҳлил натижаларига кўра, PD-L1-H ва PD-L1-VH даражалари асосан ОПВ-манфий, PD-L1-L ва PD-L1-M ОПВ-мусбат беморларда учрайди (6-расм).




6-расм. ОПВ ҳолатига қараб PD-L1 экспрессия даражаларининг тақсимланиши (95% ишонч орилиғи).

ИГК анализида *TP53* мутант генининг кодланган маҳсулоти беморларнинг 45,2% да аниқланган. Мутант p53 оқсилнинг ўсма хужайраларида ядровий бўйлиши аниқланган беморларни тақсимланиши куйидагича: p53mutant-L (6/62; 9,7%), p53mutant-M (3/62; 4,8%), p53mutant-H (12/62; 19,4%) ва p53mutant-VH (7/62; 11,3%) (7-расм).



7-расм. Мутант p53 экспрессия даражалари бўйича беморларни умумий тақсимланиши (95% ишонч оралиғи).


ОПВ-салбий беморлар орасида 79% ҳолатларда мутант p53 оксилининг турли даражадаги ижобий экспрессияси аниқланган, яъни энг кўп тарқалгани юқори (12/34; 35,29%) ва жуда юқори (7/34; 20,59%) даражаларидир. ОПВ-мусбат гуруҳда p53 мусбат экспрессияси фақат битта беморда аниқланган (8-расм).



8-расм. ОПВ ҳолатига қараб мутант p53 экспрессия даражаларининг тақсимланиши (95% ишонч оралиғи).


ОПВ-мусбат гуруҳда табиий p53 мусбат экспрессиясининг фақат паст (4/28; 14,29%) ва ўрта (1/24; 3,57%) даражалари аниқланди. ОПВ-манфий беморларда p53 оксилининг ушбу тури аниқланмади (9-расм). Ушбу тадқиқот натижаларига асосан, ОПВ+ ОХЯХК билан беморларда *TP53* генида

мутацияни камдан-кам учраши табиий турдаги p53 оксилининг фаоллигини сақланишини таъминлайди.



9-расм. ОПВ ҳолатига қараб табиий турдаги p53 экспрессия даражаларининг тақсимланиши (95% ишонч оралиғи).

Клинико-демографик ва молекуляр-биологик омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини ўрганиш натижаларига асосан прогностик моҳиятга эга турлари ажратиб олинди. Прогностик моделни клиник амалиётда самарали қўллаш мақсадида ушбу параметрлар тўпламидан иборат интеграциялашган конфигурацияси яратилди. 10-расмда келтирилган координата текислигида интеграллашган прогностик моделларнинг ROC



10-расм. Прогностик моделлар учун ROC эгри чизиқлари.

(Receiver operating characteristics; Қабул қилувчи фаолият хусусиятлари) эгри чизикларининг геометрик жойлашуви юқори чап бурчакка яқин эканлигини кўрсатади, бу уларнинг юқори сезувчанлигини ва ўзига хослигини кўрсатади. Клиник-демографик прогностик моделнинг сифат индекси 0,965 (95% ИО 0,922-1,0), молекуляр модел учун AUC (Area Under Curve; Чизик остидаги майдон) қиймати 0,934 (95% ИО 0,875-0,992) ни ташкил этган (жадвал 2), булар ОПВ-ҳолатини аниқлаш учун жуда мукаммал прогностик инструмент эканлигини тасдиқлайди ($p < 0,001$).


Жадвал 2. Прогностик моделлар учун AUC қийматлари.

Чизик остидаги майдон					
Синов натижаси ўзгарувчилари	Майдон	Стандарт хато	Асимптотик қиймат	Асимптотик 95% ишонч оралиғи	
				Пастки чегара	Юқори чегара
Клинико-демографик	,965	,022	,000	,922	1,000
Молекуляр	,934	,030	,000	,875	,992

Бундан ташқари ушбу бобда ўсмани давога объектив жавобини баҳолаш натижалари келтирилган бўлиб, у RECIST 1.1 тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. Унга кўра мусбат ОПВ ҳолати, PD-L1 мусбат экспрессияси ва p53нинг мутант турининг йўқлиги, ўсманнинг кичик ўлчамдалиги ва регионар лимфа тугунларда метастаз йўқлиги аниқ объектив жавоб ва самарали даволаш натижалари билан боғлиқ. Мусбат ОПВ ҳолати бошқа омиллар билан солиштирилганда даволашдан кейинги ўсма тўлиқ регрессиясининг энг кучли башоратчиси ҳисобланади.


Каплан-Мейер усулида беморларнинг умумий яшовчанлик медианаси (УЯМ) ва икки йиллик яшовчанлик (ИЙЯ) кўрсаткичлари ҳисобланган. Эркакларда яшавчанлик кўрсаткичлари (УЯМ 36 ой [95% ИО 14,2-57,8] ва ИЙЯ 57,2%) аёлларга нисбатан (УЯМ 29 ой [95% ИО 12,1-45,9] ва ИЙЯ 55,6%) бироз фарқланади ($p = 0,092$) (11а-расм). Беморларни ОПВ ҳолати бўйича тақсимланиши яшовчанлик кўрсаткичларини кескин фарқланишига олиб келган. ОПВ-мусбат беморлар (УЯМ эришилмаган, ИЙЯ 96,4%) ОПВ-

манфий беморларга (УЯМ 13 ой, ИЙЯ 23,5%, $p < 0,001$) нисбатан анча узоқ муддаи яшаган (11б-расм).



11-расм. Беморларнинг жинси (а) ва ОПВ ҳолати (б) бўйича умумий яшавчонлиги.

PD-L1 мусбат экспрессияси билан беморларнинг яшаш муддати (УЯМ 46 ой [ИО эришилмаган], ИЙЯ 60,5%) манфий экспрессия билан беморларга (УЯМ 19 ой [95% ИО 0,0-38,6], ИЙЯ 48%) нисбатан юқори кўрсаткичларни ташкил қилган ($p = 0,364$) (12а-расм), мутант p53 ижобий ифодаси (УЯМ 13 ой [95% ИО 9,3-16,7], ИЙЯ 21,4%) салбий ифодасига нисбатан сезиларли даражада паст (УЯМ эришилмаган, ИЙЯ 85,3, $p < 0,001$) (12б-расм).



12-расм. Беморларнинг PD-L1 (а) ва мутант p53 (б) экспрессияси бўйича умумий яшавчонлиги.


Ижобий ОПВ ҳолати, табиий турдаги p53 ва PD-L1 ўлим хавфини камайтирувчи маркерлар ҳисобланиб, регрессия коэффицентлари манфий ва хавф нисбати эса бирдан паст кўрсаткичлардан ташкил топган (3-жадвал). Аммо, уларнинг орасида статистик аҳамиятга эга маркер бу ОПВ-мусбат ҳолатидир ($p < 0,001$), табиий p53 ($p = 0,159$) ва PD-L1 ($p = 0,372$) статистик

моҳиятсиз кўрсаткичларни номоён қилган. p53 оксилининг мутант тури беморларнинг яшаб қолишига салбий таъсир кўрсатадиган доминант хавф омилidir ($p < 0,001$).

Жадвал 3. Молекуляр маркерлар бўйича яшовчанлик регрессияси.

Предиктор	Регрессия коэффициенти	Хавф нисбати	95% ИО		p
			Пастки	Юқори	
ОПВ ҳолати	-2,933	0,053	0,018	0,156	<0,001
PD-L1	-0,300	0,741	0,384	1,431	0,372
p53mutant	2,067	7,901	3,653	17,090	<0,001
p53wild	-3,203	0,041	0,00	3,504	0,159

Диссертациянинг «Клиник ташхисланган оғиз бўшлиғининг потенциал хавфли касалликлари ва оғиз-ҳалқум ясси хужайрали карциномаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида ОХЯХК билан беморларда ОПВ ҳолатига мувофиқ оғиз бўшлиғи стоматологик ҳолати ва ОБПХК номоён бўлиш ҳолатларини ўрганиш натижалари, уларнинг молекуляр-биологик ва клинико-демографик омиллар билан ўзаро корреляциясини ўрганиш натижалари келтирилган. ОХЯХК билан беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатини аниқлаш учун даволашдан олдинги даврдаги архив тиббий ёзувлар ва фотосуратларни таҳлил қилинган (13-расм).




13-расм. А. ОПВ-манфий ОХЯХК: бемор >60 ёшда, ёмон стоматологик ҳолат, зарарли одатлари мавжуд; Б. ОПВ-мусбат ОХЯХК: бемор <60 ёшда, стоматологик ҳолати яхши, зарарли одатлари йўқ.

